



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 10 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 10

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2025

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№10 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-10>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Mashrapov Madorbek Zoxidbek o'g'li O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA AVTOMOBIL YO'LLARI SOHASIDA DAVLAT BOSHQARUVINI MA'MURIY-HUQUQIY TARTIBGA SOLISH.....	5
2. Хошимова Юлдузхон Олимжонова СТОИМОСТЬ ТОВАРНОГО ЗНАКА В СИСТЕМЕ НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ: ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ И ОЦЕНКА.....	15
3. Овулов Пўлатжон Илхом ўғли ҲУҚУҚ ВА МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ, ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ – ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА.....	23
4. Шукурова Малика Шахобидинова ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА НИКОҲ ТУШУНЧАСИ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	33
5. Umarov Abbosjon Asliddin o'g'li SUG'URTA BOZORINI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA SUG'URTA FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY MECHANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH.....	45
6. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ҲОЛАТИ, ТАҲЛИЛИ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	59
7. Maxmudov Alisher Abdusalimovich YEVIROPA PROKURATURASI – ERKINLIK XAVFSIZLIK VA ODIL SUDLOV KAFOLATI..	66
8. Сафаев Мансурбек Илхомжонович ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ.....	73
9. Xudaykulov Feruzbek Xurramovich FIRIBGARLIK JINOYATIDA SUN'IY INTELLEKT JINOYAT SODIR ETISH VOSITASI SIFATIDA: QONUNCHILIK, AMALIYOT VA MUAMMOLAR.....	82
10. Баракаев Лазизжон Отакулович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.....	93
11. Имомназаров Алишер Хасанович ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ТИЗИМИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎРНИ ВА БОШҚА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO НИСБАТИ ТАҲЛИЛИ.....	103
12. Қурбонов Шухратжон Шавкатжонович ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МОДДИЙ(ФАКТИК) АСОСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ.....	113



Қурбонов Шухратжон Шавкатжонович,
Одил судлов академияси мустақил изланувчиси
E-mail: abdulhayevayoquthon@gmail.com

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МОДДИЙ(ФАКТИК) АСОСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

For citation: Kurbanov Shukhratjon Shavkatjonovich. PROBLEMS OF LEGAL REGULATION OF THE MATERIAL (FACTUAL) GROUNDS FOR CONDUCTING INVESTIGATIVE ACTIONS. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 10.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17353191>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида тергов ҳаракатларини ўтказишнинг моддий(фактик) асослари билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилган. Шунингдек, исботлаш стандартларини дифференциация қилиш тезкор-қидирув тадбирларининг натижаларидан тергов ҳаракатларини ўтказиш асоси сифатида фойдаланиш муаммолари муҳокама этилган. Муаллиф жиноят ишлари юритувида ҳар қандай қарор, шу жумладан тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида қарорлар фактик маълумотлар асосида қабул қилиниши зарурлиги, амалдаги қонунчиликда аксарият тергов ҳаракатларини ўтказиш асослари аниқ тартибга солинмаганлигидан келиб чиқиб, мазкур муаммонинг ечимлари юзасидан таклифларини киритган.

Калит сўзлар: суд, ишни судга қадар юритиш босқичи, суд назорати тергов ҳаракати, исботлаш стандартлари, тезкор-қидирув тадбирлари, қонунийлик, фактик асослар

Қурбанов Шухратжон Шавкатжонович,
Самостоятельный соискатель Академии правосудия
E-mail: abdulhayevayoquthon@gmail.com

ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ МАТЕРИАЛЬНЫХ (ФАКТИЧЕСКИХ) ОСНОВАНИЙ ПРОВЕДЕНИЯ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются проблемы, связанные с материальными (фактическими) основами проведения следственных действий на стадии досудебного производства. Также обсуждаются проблемы дифференциации стандартов доказывания, использования результатов оперативно-розыскных мероприятий в качестве основания для проведения следственных действий. Автор выдвинул свои предложения по решению данной проблемы, исходя из того, что в уголовном судопроизводстве любое решение, в том числе о проведении следственных действий, должно приниматься на основе фактических данных, а основания проведения

большинства следственных действий в действующем законодательстве четко не регламентированы.

Ключевые слова: суд, стадия досудебного производства, судебный контроль, следственное действие, стандарты доказывания, оперативно-розыскные мероприятия, законность, фактические основания

Kurbanov Shukhratjon Shavkatjonovich,
Independent researcher of the Academy of Justice
E-mail: abdulhayevayoquthon@gmail.com

PROBLEMS OF LEGAL REGULATION OF THE MATERIAL (FACTUAL) GROUNDS FOR CONDUCTING INVESTIGATIVE ACTIONS

ANNOTATION

This article analyzes problems related to the material (factual) grounds for conducting investigative actions at the pre-trial stage. Also discussed are the problems of using the results of operational-search activities as a basis for conducting investigative actions, differentiating the standards of proof. The author, based on the fact that any decision in criminal proceedings, including decisions on conducting investigative actions, should be made on the basis of factual data, and the grounds for conducting most investigative actions are not clearly regulated in the current legislation, made proposals for solving this problem.

Keywords: court, pre-trial proceedings stage, judicial control, investigative action, standards of proof, operational-search measures, legality, factual grounds.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш асосларининг умумэътироф этилган тушунчаси мавжуд эмас, бироқ мазкур тушунча -тергов ҳаракатларини ўтказиш учун зарур ва етарли бўлган фактик ва ҳуқуқий асослардан иборатлиги аксарият илмий ишларда қайд қилинган.

Тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ҳуқуқий ва фактик асослари мавжудлиги, уни ўтказиш ҳақида қарорнинг объективлиги ва қонунийлигини таъминлаш билан бирга, инсон ҳуқуқларининг асоссиз чекланишини олдини олишга қаратилган.

Аксарият олимлар тергов ҳаракатларини фактик асосларига етарли фактик маълумотларнинг мавжудлигини киритганлар (Б.Б.Глазунов, В.В.Кальницкий, А.К.Гаврилов, С.П.Ефимичев, В.А. Михайлов, П.М. Туленков).

Тергов ҳаракатларини ўтказишнинг моддий(фактик) асосларига шунингдек иш юзасидан суд ишларини юритиш манфаатларида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини жиддий чеклаш заруриятини кўрсатувчи маълумотлар мавжудлиги киритилади [1, Б. 174].

Тергов ҳаракати ўтказиш ҳақида қарорнинг фактик асослилиги қарорнинг ишнинг фактик ҳолатлари, мазкур қарор қабул қилинган вақтда терговчи томонидан тўпланган маълумотлар билан мантиқий, табиий асослантирилишини аниқлатади, сабаби «қарорларнинг асослилиги деганда...уларнинг факт ва вазлар билан тасдиқланиши тушунилади» [2, Б. 24-25].

Маълумки, ҳар қандай жиноят-процессуал қарор тахмин ёки тусмолга эмас, балки фактик маълумотларга асосланиши керак. Фактик маълумотлар эса фақат қонунда белгиланган воситалар орқали аниқланиши мумкин.

Ҳар бир тергов ҳаракатини ҳуқуқий тартибга солишда унинг объекти(далилни олиш манбаси, шахс, турар жой, ашёвий далиллар), мақсади, уни ўтказиш учун асос бўлувчи фактик маълумотлар ҳажми кўрсатилиши ишни судга қадар юритиш босқичида қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Тергов ҳаракатини ҳуқуқий асосларини белгилашда ушбу мезонга амал қилинмас экан “..қонун тергов ҳаракатларини кўр-кўрона амалга оширишга йўл қўйишини тан олишга тўғри келади”[3, Б. 56].

Тергов ҳаракатларини ўтказишнинг фактик асослари билан боғлиқ асосий муаммо шундаки, ЖПКда гарчи тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида қарорнинг процессуал шакли белгиланган бўлишига қарамасдан унинг фактик асосларга қўйиладиган талаб аниқ белгиланмаган.

Фақатгина ЖПКнинг 158-моддасида тергов ҳаракатини ўтказишнинг фактик асосларга қўйиладиган талаблар нисбатан тўлиқроқ баён қилинган бўлиб, унга мувофиқ, суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарсалар ёки ҳужжатлар ёхуд электрон маълумотлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир.

Яъни мазкур ўринда 1) тергов ҳаракатининг мақсади- иш учун аҳамиятли бўлган нарсалар ёки ҳужжатлар ёхуд электрон маълумотларни аниқлаш 2) мазкур маълумотларнинг манбаси-турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жой 3) тергов ҳаракатини ўтказишнинг фактик асоси- етарли маълумотнинг мавжудлиги аниқ белгиланган.

Тергов ҳаракати ўтказиш учун асос бўлган хулосанинг эҳтимолий характери, ўзбошимчалик билан қабул қилинган ва субъектив қарордан фарқ қилади.

Албатта суриштирувчи ва терговчида тергов ҳаракатини мустақил танлаш имконияти мавжуд бунинг учун қонун чиқарувчи, “етарли маълумотга эга бўлиш”, “иш учун аҳамиятга молик бўлган”, “кечиктириб бўлмайдиган”, “ўйлаш” каби баҳоловчи тушунчаларни қўллаган. Бироқ бу тушунчаларнинг аксарияти ҳуқуқий бўлмасдан балки гнесеология ёки психологияга оидлиги тергов ҳаракатини ўтказиш билан боғлиқ хатолар хавфини оширади. Албатта криминалистик тактика нуқтаи-назаридан тергов ҳаракати ўтказиш ҳақида қарор аксарият ҳолларда тергов вазиятига боғлиқ бўлади.

Тергов вазияти - бу терговнинг муайян босқичида шаклланган, ўзаро боғлиқ объектив ва субъектив омиллар мажмуи бўлиб, у терговчининг қўлидаги маълумотлар, далиллар ва тусмолларни, шунингдек, тергов шароитларини ўз ичига олувчи, терговнинг кейинги йўналишини белгилаш, тергов ҳаракатларини режалаштириш ва самарали амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилдиган жараёнди[4]. Бироқ тергов вазияти юқорида таъкидланганидек, процессуал тушунча эмаслигидан келиб чиқиб айрим олимлар, “жиноят- процессуал вазият” тушунчасига асосланишни таклиф қилганлар [5, Б. 52].

Методологик жиҳатдан эҳтимол субъектив тахмин эмас, реал дунёдаги мавжуд бўлган сабаб-оқибат ва бошқа алоқаларни акс эттирувчи объектив категориядир. Шу сабабдан эҳтимол бир қатор процессуал қарорлар, шу жумладан тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида қарорлар учун яроқлидир. Эҳтимолий билимнинг объектив мавжуд қонуният ва ходисаларнинг алоқадорлигини акс эттириш қобилияти туфайли, ҳозирги вақтдаги вазиятдан келиб чиқиб, ўтмиш ва келажакнинг исталган вақтидаги вазиятни кузатиш принципиал жиҳатдан мумкин бўлади [6, Б. 35, 187-189]. Бинобарин эҳтимолнинг тусмолдан фарқи муайян қонуният ва сабабларга асосланиши билан белгиланади. Яъни Эҳтимолий хулоса муайян фактларга асосланади, фактларнинг ишончилилик даражаси хулосанинг асослилигига ўз таъсирини ўтказади.

Жиноят процессида ушбу муаммо исботлаш стандартларининг дифференциация қилинмаганлигига бориб тақалади. Жумладан, АҚШ жиноят процессида, уч хил исботлаш стандарти белгиланган бўлиб, асосли гумон(Reasonable Suspicion), Эҳтимолий асос (Probable Cause), Шубҳадан холи (Beyond a Reasonable Doubt) стандартлари мавжудлиги, исботлаш стандартидан келиб чиқиб, ҳуқуқни чеклашнинг даражасини белгилаш имконини беради. Яъни асосли гумон, шахсни тўхтатиб текшириш, қисқа муддатга ушлаб туриш учун асос бўлса, эҳтимолий асос шахсни қамоққа олиш, тинтув ўтказиш учун асос бўлиши мумкин.

Исботлаш стандартларини дифференциация қилиш масаласида А.А. Устинов исботлаш стандартларини: «асосли гумон», «етарли асос», «жиддий ишонч»га ажратиш судга адолатли қарор қабул қилиш учун ишонч даражасини бериши ҳақида фикр билдирган [7, Б. 58].

И.В.Каблуковнинг фикрича, далилларнинг етарлилиги дастлабки ёки якуний бўлиши мумкин.

Эҳтимолий асосга тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиниши терговнинг самарадорлиги ва шахс ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади, сабаби шубҳасиз хулосага асосан тергов ҳаракатларини ўтказишни талаб қилиш амалий жиҳатдан имконсиз бўлиб, муайян ҳолат юзасидан яқуний хулоса фақатгина терговнинг якунида тўпланган барча далиллар мажмуидан келиб чиқиб қабул қилиниши мумкин.

Жиноят ишлари юритувида ҳар қандай қарор, шу жумладан тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида қарорлар фактик маълумотлар асосида қабул қилиниши зарур. Фактик маълумотларни олиш усуллари эса ЖПКнинг 81-моддаси билан қатъий белгиланган.

Акс ҳолда тергов ҳаракатлари моҳиятан процессуал фаолиятга боғлиқ бўлмайди ва ўзбошимчалик учун шароит яратади. Бинобарин, ҳар бир ҳолатда тергов ҳаракати ўтказиш ҳақида илтимосномада тергов ҳаракатининг фактик асослари кўрсатилиши зарур.

С.А.Шейфернинг фикрига кўра фактик асослар бу тергов ҳаракатининг ҳуқуқий билиш тузилмасининг таркибига кирувчи элементларнинг(объект-асос-мақсад) ўзаро алоқадорлигининг умумий йиғиндиси ҳисобланади [8, Б. 208].

Тергов ҳаракатини ўтказиш бир қатор субъектлар(терговчи, прокурор, судья) томонидан қабул қилинадиган ва унинг устидан шикоят қилишга йўл қўйиладиган шароитда, барча мансабдор шахслар ушбу қарорнинг асосларини бир хилда тушунишдан келиб чиқишлари жуда муҳим [9, Б. 48].

С.В.Ефремованинг фикрига кўра, кўпгина тергов ҳаракатларининг фактик асосларининг норматив модели уч элементни ўз ичига олади:

қидирилаётган ахборотни олиш мумкин бўлган манба;
тергов ҳаракатининг мақсади;

уларга эришиш мумкинлигини асосли кўрсатувчи фактик маълумотлар. Мазкур элементлардан ақали бирининг мавжуд эмаслиги тергов ҳаракатини ноқонуний ва асосиз қилади[10, Б. 19].

Бироқ ЖПКда аксарият тергов ҳаракатларини ўтказиш асослари аниқ тартибга солинмаган. Аксарият ҳолларда қонун чиқарувчи тергов ҳаракатларини ўтказиш асосларини эмас, балки унинг мақсади ёки кутилаётган натижани қайд қилиш билан чекланган. Мисол учун,

мурдани эксгумация қилиш кўздан кечириш, таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш учун(ЖПК 148-м);

телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш учун иш учун аҳамиятга молик маълумотлар олиниши мумкинлиги(ЖПК 169-м);

тинтув ўтказиш учун турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарсалар ёки ҳужжатлар ёхуд электрон маълумотлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотнинг мавжудлиги(ЖПК 169-м) қайд қилинган. Бу эса тергов ҳаракатларининг асослигини текширишда қийинчилик туғдиради.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида қарор фактик маълумотлар асосида қабул қилинади. Шу сабабли, қонун чиқарувчи у ёки бу тергов ҳаракатини ўтказиш асосини матнда ифодалаганлиги ёки унинг мақсадини кўрсатиш билан чекланганлигидан қатъий назар, жиноят ишларини юритаётган органлар ва унинг бошқа иштирокчилари тергов ҳаракати ўтказиш ёки бу ҳақда илтимоснома киритиш ҳақида қарор қабул қилишда маълумотлар(фактик маълумотлар)нинг етарли йиғиндиси мавжудлигидан келиб чиқишлари шарт [11, Б. 608].

Бундан ташқари қонун чиқарувчи томонидан етарли асослар мавжудлигини аксарият процессуал мажбурулов чораларининг мажбурий шarti сифатида белгиланган ҳолда(ушлаб туриш, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш, лавозимидан четлаштириш), тергов ҳаракатларидан фақатгина шахсий тинтув ва олиб қўйиш учун етарли асослар мавжудлиги мажбурий шарт сифатида белгиланганлигини асосли деб бўлмайди.

Тергов ҳаракатларининг фактик асосларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида турли ечимлар таклиф қилинган.

Жумладан, О.В.Меремьянина ўтказиш ҳақида қарор фақатгина далиллар мавжудлигида қабул қилиниши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари; 2) қонун томонидан бундай талаб белгиланмаган тергов ҳаракатларига ажратишни таклиф қилган [12, Б. 16].

Тезкор-қидирув тадбирларининг натижаларидан тергов ҳаракатларини ўтказиш асоси сифатида фойдаланиш масаласида икки хил нуқтаи-назар мавжуд.

Ғ.Шодиёвнинг фикрича, тезкор хабар, маълумотлар дастлабки терговда муҳим аҳамият касб этсада, судья томонидан қабул қилинадиган қарорнинг асосий таянчига айланиши мумкин эмас [13, Б. 64].

Тергов ҳаракатларини ўтказишнинг айниқса шахсий ҳаёт дахлсизлигини чекловчи тергов ҳаракатларининг фактик асослари фақатгина далиллар бўлиши мумкин [14 Б. 11]. Фикримизча, конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатлари фақатга ЖПКда белгиланган манбалардан, процессуал шаклда олинган маълумотларга асосланиб ўтказилиши мумкин.

Бундай ёндашувнинг афзаллиги процессуал ҳаракат ёки қарорнинг асослилигини объектив назорат қилиш имкониятида намоён бўлади [15, Б. 19].

Тергов ҳаракатини ўтказиш зарурати тезкор-қидирув маълумотлари натижалари билан асосланганда ҳолларда судда мазкур маълумотларнинг асослилигини текшириш имконияти мавжуд эмас. Асос мавжудлигини назорат қилиш имкони мавжуд эмаслиги ўз навбатида шахснинг ҳуқуқларини чеклашнинг сунъий асосларини яратиш имконини беради ва суд назоратининг моҳиятини йўққа чиқаради.

Айрим олимлар тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати нафақат далиллар балки бошқа маълумотлар, шу жумладан тезкор-қидирув фаолият материаллари билан асослантирилиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирганлар [16, Б. 36-38].

Жумладан В.Н.Курченконинг фикрича тергов ҳаракатининг асослилиги ҳақида масала(шу жумладан тинтув)ни ҳал қилишда, уни ўтказиш учун асослар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар базасини яратиш талаб қилинмайди. Асосийси, терговчи(суриштирувчи) муайян шахс ёки тегишли жойда иш учун муҳим бўлган предметлар мавжудлиги ҳақида ишончли маълумотга эга бўлиши ҳисобланади [17, Б. 43 - 44].

Бироқ мазкур муаллифнинг асослилиқ ва ишончлилиқ тушунчаларини бир-бирига қарама-қарши тушунча сифатида қўйишини тўғри деб бўлмайди, сабаби далиллар ишончилигига қўйилган асосий талаб уларнинг текширувдан ўтиши ҳисобланади, текширилмаган маълумотларни ҳақиқатга мувофиқ эканлигини фақат субъектив мезонлар асосида шу жумладан манбанинг ишончилиги ҳақида мезонларга асосланиб ҳал қилишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, терговчи тезкор-қидирув фаолиятининг субъекти ҳисобланмайди.

ЖПКнинг 81-моддаси 3-қисмига мувофиқ, агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шакланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олинishi мумкин.

Тезкор-қидирув маълумотларидан фактик асос сифатида фойдаланишнинг мақбуллиги масаласи, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва олинган маълумотларни терговчига тақдим қилишнинг қонунийлиги, исботлаш предметига алоқадорлиги, шунингдек улардан фойдаланишдан аввал жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ текшилиши ва баҳоланиши билан белгиланади [18, Б. 7].

Бинобарин, тезкор-қидирув тадбирларининг натижаларида олинган маълумотлар ўз-ўзидан тергов ҳаракатлари ўтказиш учун асос бўлмайди, балки 1) қонунда белгиланган тартибда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинганлиги; 2) Кодекс нормаларига мувофиқ текширилиши ва баҳоланиши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ, МХХ, ДБК, Бош прокуратурасининг 2013 йил 6 декабрдаги “ТҚФ натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим қилиш тартиби ҳақидаги Йўриқнома”да ҳам ТҚФ материалларини бевосита жиноят процессида фойдаланиш учун тақдим этилиши мумкинлиги белгиланган.

Бинобарин, ЖПКда тергов ҳаракати ўтказиш асоси сифатида фақат далиллар кўзда тутилмаганлиги, қонунда белгиланган тартибда олинган тезкор-қидирув тадбирларининг натижаларида олинган маълумотлардан фойдаланишга тақиқ йўқлигидан келиб чиқиб, қонунда белгиланган тартибда олинган тезкор-қидирув тадбирларининг натижаларидан айрим тергов ҳаракатини ўтказиш учун асос бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Фикримизча, ушбу масала дифференциал ёндашиб, тергов ҳаракатларини ўтказишнинг фактик асосларини:

1) Ўтказиш ҳақида қарор фақатгина далилларга асосланиб қабул қилиниши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари;

2) Ўтказиш асослари қонун билан белгиланмаган тергов ҳаракатларини ажратишимиз мумкин.

Жумладан, қонунга мувофиқ юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатлари фақатгина муайян тергов ҳаракатлари натижасида олинган маълумотларга асосан ўтказилади. Жумладан, юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текшириш мақсадида ўтказилади.

Шу билан бирга, айрим тергов ҳаракатлари мисол учун жиноий йўл билан топилган мол-мулкни қаердалигини билиши мумкин бўлган гувоҳни тезкор-қидирув маълумотлари асосида сўроқ қилишга, фикримизча монелик йўқ.

ЖПКда тергов ҳаракатлари устидан суд назорати якуни бўйича чиқарилган суд ажримларига асослантирилганлик талаби қўйилган. Асослантирилганлик –процессуал қарор қабул қилишнинг фактик(асослилик) ва норматив(қонунийлик) асосларини ўзаро боғловчи бўғиндир[19, Б. 9].

Тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақида қарорнинг асослантирилганлиги талаби, бундай қарорда терговчи(суриштирувчи)ни ушбу тергов ҳаракатини ўтказишга ундаган сабаблар юзасидан тушунтириш бўлиши кераклигини аңглатади [20, Б.156].

Асослантирилганлик қабул қилинган қарорда унинг фактик ва ҳуқуқий асосларини мантиқий ва изчил ҳолатлари ифодаланишини аңглатади.

Бироқ ЖПКда суд назорати якуни бўйича чиқарилган суд ажримларига нисбатан ушбу масалада бир ёклама ёндашув мавжудлиги кўринади. Жумладан, ЖПК судьянинг мурдани эксгумация қилишни рад этиш, тинтув ўтказишни рад этиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлашни рад этиш, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришни рад этиш, айбланувчини лавозимидан четлаштиришни рад қилиш, мол-мулкни хатлашни рад этиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришни, улар орқали узатиладиган ахборотни олишни амалга оширишни рад этиш ҳақидаги ажримлари **асослантирилган** бўлишини талаб қилади. Бироқ мазкур илтимосномаларни қаноатлантириш ҳақида ажримларга нисбатан бундай талаб қўйилмаганлигини асосли деб бўлмайди.

Тергов ҳаракатининг мақсади деганда — тергов ҳаракатини ўтказишдан кутилаётган пировард натижа тушунилади.

Мақсад, инсоннинг келажакни ва ўзининг ҳаракатларининг натижасини кўра олиш қобилияти билан боғлиқ [21, Б. 44].

Мақсад деганда-эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао тушунилади [22]. Бироқ муайян тергов ҳаракатининг мақсадига эришилмаганлиги мазкур тергов ҳаракатининг асоссиз ўтказилганлигини аңглатмайди.

Агар натижа мезони билан баҳоланса кейинги суд назоратида кўзланган мақсадга эришилмаган барча тергов ҳаракатлари асоссиз ўтказилган деб топилиши мумкин.

Тергов ҳаракатлари устидан суд назорати билан боғлиқ энг муҳим назарий муаммолар, унинг предмети ва чегараси, самарадорлиги, қайси шакли самаралироқ эканлиги билан боғлиқ.

Суд назорати шакли аввало чекланаётган ҳуқуқнинг аҳамияти ва ҳуқуқни чеклаш оқибатлари билан бевосита боғлиқ.

Бу эса ўз навбатида тергов ҳаракати ўтказиш ҳақида қарорга асос бўлувчи ҳуқуқий асосларнинг қонунда ифодаланиши ва фактик маълумотларнинг ҳажми билан ўлчанади. Бинобарин, суд назорати ҳажми:

1. Тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ЖПКда белгиланган асослари;

2. Тергов ҳаракати натижасида чекланадиган конституциявий ҳуқуқларнинг аҳамияти ва даражаси, яъни ҳуқуқни чеклаш даражаси қай даражада юқори бўлса, фактик асосларнинг етарли эканлиги масаласида талаб ҳам мутаносиб равишда юқори бўлиши зарур.

3. Ҳуқуқлари чекланаётган шахснинг процессуал мақоми ҳам суд назорати ҳажмига ўз таъсирини ўтказади.

Жумладан, Д.И.Бедняковнинг фикрига, кўра, фактик асос сифатида тезкор-кидирув характердаги маълумотлар тинтув ўтказиш учун, айбланувчи ва гумон қилинувчининг ҳуқуқларига дахл қилиш билан боғлиқ бўлса етарли бўлади [23, Б.104].

Жабрланувчи ва гумон қилинувчиларга нисбатан ушбу асослар далилларга асосланиши зарур.

Бундан ташқари, жиноятга дахлдорлиги тегишли тартибда аниқланмаган ва унда жиноят ишига тааллуқли предметлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар процессуал тартибда расмийлаштирилмаган шахсларнинг турар жойида тинтув ўтказишга йўл қўйилмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатларини ўтказиш асослари:

тергов ҳаракати учун ЖПКнинг ўзида бевосита белгиланган асослар;

конституциявий ҳуқуқларни чеклаш даражаси(ҳуқуқларни чеклаш даражаси қай даражада юқори бўлса, мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш асосларига нисбатан талаблар пропорционал равишда ошиб бориши зарур);

жиноят процесси субъектларининг ҳуқуқий ҳолатига бевосита боғлиқ бўлади.

Бинобарин, шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги, тинтув ўтказиш ҳақидаги, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тўғрисидаги тергов ҳаракатларини фақатгина.(далиллар асосида ўтказилишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Колоколов Н.А. Судебный контроль в стадии предварительного расследования / Н.А. Колоколов. М., 2004. Бет. 274.(Kolokolov N.A. Judicial Control at the Preliminary Investigation Stage / N.A. Kolokolov. - М., 2004. P. 274.).

2. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации / под ред. И.Л. Петрухина. М., 2002. Бет. 300. (Commentary on the Criminal Procedure Code of the Russian Federation / ed. I.L. Petrukhin. М., 2002. P. 300.).

3. Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма / С.А.Шейфер. – М . : «Юрлитинформ», 2001 . – Бет. 256 (Sheyfer S.A. Investigative Actions. System and Procedural Form / S.A.Sheyfer. - М.: Yurlitinform, 2001. – P.256).

4. М.Рахматуллаев. Босқинчилик жиноятини тергов қилишда типик тергов вазиятлари ва уларнинг ҳар бирида терговчининг асосий вазифалари // EJAR. 2024. №8. URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/bos-inchilik-zhinoyatini-tergov-ilishda-tipik-tergov-vaziyatlari-va-ularning-ar-birida-tergovchining-asosiy-> (M.Rakhmatullayev. Typical investigative

- situations in the investigation of robbery and the main tasks of the investigator in each of them // EJAR. 2024. No. 8.)
5. Меремьянина О.В. Основания производства следственных действий: автореф. дис., канд. юрид. наук. – Красноярск, 2004. – Бет.52 (Meremyanina O.V. Fundamentals of Investigative Actions Proceedings: abstract of diss., candidate of legal sciences. - Тошкент, 2020. - 52 p.)
 6. Геворкян Г.А. Вероятное и достоверное знание. Ереван: Изд-во АН АрмССР, 1965. С. 35, 187-189. (Gevorkyan G.A. Reliable and Reliable Knowledge. Yerevan: Publishing House of the Academy of Sciences of the Armed USSR, 1965. P. 35, 187-189).
 7. Устинов А.А. Доказывание при рассмотрении судом материалов уголовного дела в ходе досудебного производства : дис. ... канд. юрид. наук. М., 2022. Бет.158. (Ustinov A.A. Proof in the Consideration of Criminal Case Materials by the Court in Pre-trial Proceedings: Diss.... Cand. Jurid. Sciences. M., 2022. Page 158).
 8. Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма / С.А.Шейфер. – М.: «Юрлитинформ», 2001 . – Бет.208. (Sheyfer S.A. Investigative Actions. System and Procedural Form / S.A.Sheyfer. - M.: Yurlitinform, 2001. - P.208.)
 9. Кальницкий В.В. Вопросы теории и практики уголовного судопроизводства: избранные труды.- Омск: Омская академия МВД России. 2016. Бет.248. (Kalnitskiy V.V. Questions of Theory and Practice of Criminal Proceedings: Selected Works.- Omsk: Omsk Academy of the Ministry of Internal Affairs of Russia. 2016. p. 48.)
 10. Ефремова С.В. Обоснованность следственных действий как гарантия прав и свобод участников процесса: Автореф. дис. к.ю.н. / – Самара, 2004. – Бет. 59 (Efremova S.V. Validity of Investigative Actions as a Guarantee of the Rights and Freedoms of Participants in the Process: Abstract of diss. / - Samara, 2004. - 59 p.)
 11. Уголовный процесс: учебник для вузов / под ред. Б.Б. Булатова, А.М.Баранова. – М.: Юрайт, 2010. – 608 с(11. Criminal Procedure: Textbook for Universities / edited by B.B. Bulatov, A.M. Baranov. Moscow: Yurayt, 2010. - 608 p.)
 12. Меремьянина О.В. Основания производства следственных действий: автореф. дис., канд. юрид. наук. – Красноярск, 2004. – Бет.52 (Meremyanina O.V. Fundamentals of Investigative Actions Proceedings: abstract of diss., candidate of legal sciences. - Тошкент, 2020. - 52 p.)
 13. Ғ.Шодиев. Тергов ҳаракатлари устидан прокурор ва суд назорати. Ўқув қўлланма. – Т.: Бош прокуратура академияси 2019. –Бет. 64(G'.Shodiyev. Prosecutorial and judicial oversight of investigative actions. Study Guide. - T.: Academy of the General Prosecutor's Office 2019. - P. 64.).
 14. Дунаева Н.С. Основания и пределы уголовно-процессуального вмешательства в частную жизнь граждан. Автореф. дисс.... к. ю. н. Иркутск, 2002. Бет- 60 (Dunayeva N.S. Grounds and Limits of Criminal Procedure Interference in the Private Life of Citizens. Abstract of the dissertation. Irkutsk, 2002. P. 60.)
 15. Ефремова С.В. Обоснованность следственных действий как гарантия прав и свобод участников процесса: дис. к.ю.н.– Самара, 2004. – 49 с. (Efremova S.V. The Validity of Investigative Actions as a Guarantee of the Rights and Freedoms of Participants in the Process: Diss. Candidate of Legal Sciences.- Samara, 2004. - 49 p.)
 16. Фомин М.А. Обыск в современном уголовном процессе России : учеб.-практ. пособие. М. : Юрлитинформ, 2006. Бет.156 (Fomin M.A. Obisk in the Modern Criminal Procedure of Russia: textbook. M.: Yurlitinform, 2006. pp. 156.)
 17. Курченко В.Н. Судебный контроль за производством отдельных следственных действий // Уголовный процесс. 2007. № 3. С. 43 - 44. (Kurchenko V.N. Judicial control over the production of certain investigative actions // Criminal Procedure. 2007. No. 3. P. 43-44.)
 18. Меремьянина О.В. Основания производства следственных действий: автореф. дис., канд. юрид. наук. – Красноярск, 2004. – Бет.52 (Meremyanina O.V. Fundamentals of Investigative Actions Proceedings: abstract of diss., candidate of legal sciences. - Тошкент, 2020. - 52 p.)
 19. Фомичев П.В. Процессуальные основания проведения следственных действий в российском уголовном судопроизводстве: автореф. дис., канд. юрид. наук. – Саратов, 2016. –

- 59 б. (Fomichev P.V. Procedural grounds for conducting investigative actions in Russian criminal proceedings: abstract of diss., candidate of legal sciences. - Тошкент, 2016. - 59 p.)
20. Лупинская П.А. Решения в уголовном судопроизводстве. Их виды, содержание и формы. М., 2010. С. 156. (Lupinskaya P.A. Decisions in Criminal Proceedings. Their types, content, and forms. M., 2010. P. 156.)
21. Казакевич Т.А. Целесообразность и цель в общественном развитии. Л.: Изд-во ЛГУ, 1969. С. 44. (Kazakevich T.A. Purposefulness and Goal in Social Development. L.: LGU Publishing House, 1969. P. 44.)
22. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.-680 б. (Explanatory Dictionary of the Uzbek Language: - Т.: "Uzbekistan National Encyclopedia" State Scientific Publishing House, 2006.-680 p.)
23. Бедняков Д.И. Непроцессуальная информация и расследование преступлений. - М., 1991.- С. 104. (Bednyakov D.I. Non-procedural Information and Crime Investigation. - M., 1991. - P. 104.)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000